

# **“Ўзметкомбинат” АЖ БОШҚАРУВИ РАИСИ – БОШ ДИРЕКТОР МУРОЖААТИ**

## **КОРРУПЦИЯНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ БУ МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИДИР**

### **Азиз металлурглар, қадрли ҳамкаслар!**

“Ўзметкомбинат” АЖ юксак мэрраларни кўзлаб фаолият юритиб, инвестиция лойиҳалари асосида янги қувватларни ишга тушириш учун жадал суръатларда бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Мақсадимиз ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар тури ва сифатини ошириб, комбинатимизни жаҳон бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлган, замонавий саноат корхоналари қаторидан жой олишига эришишдир. Бу мақсадларга эришишимизда комбинатимизда манфаатлар түқнашуви ва коррупция каби иллатларга барҳам бериш энг долзарб масалалардан биридир.

Коррупциянинг асосини ташкил қилувчи асосий омиллардан бири ҳам манфаатлар түқнашувидир. Манфаатлар түқнашуви коррупциянинг ривожланишига доимий равища ўзининг ҳиссасини қўшиб борувчи ҳар қандай давлатнинг, корхонанинг тараққиётига тўгоноқ бўлувчи, ижтимоий ҳаёт барқарорлигига таҳдид соловучи хавфли иллатдир. Агар бу иллатларнинг олди олинмаса, бутун давлатда бўлганидек, Комбинатимизда ҳам ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди. Комбинатимиз иқтисодий томондан ривожланмайди ва бу исбот талаб қилас ҳақиқатдир.

Манфаатлар түқнашуви бор жойда эса факат орқага юриш кузатилади, корхоналар маблағлари талон-тарож қилинади, адолатсизлик кўпаяди, ўзаро ишонч сўнади. Шу сабабли, манфаатлар түқнашувини ижобий ҳал қилиш ҳозирги даврда коррупцияга қарши курашнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Ушбу вазифани ҳал қилиш мақсадида жорий йилнинг 5-июнъ санасида Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар түқнашуви тўғрисида”ти Қонуни қабул қилинди. Давлат органлари ва давлат улуши 50 фоиздан ортиқ ташкилотларга нисбатан татбиқ этиладиган бу Қонуннинг мақсади манфаатлар түқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши давлат идораларида коррупциявий омилларнинг камайишига, давлат ташкилотларида манфаатлар түқнашувининг олдини олишга хизмат қиласди.

Қонунда манфаатлар түқнашувига қўйидагича таъриф берилган: “Манфаатлар түқнашуви – шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият”. Қонун билан манфаатлар түқнашуви тушунчasi, давлат хизматчиларининг мажбуриятлари ҳамда уни тартибга солиш бўйича аниқ механизмлар белгиланган.

Манфаатлар түқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг асосий тамойиллари қонунийлик, фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ва давлатнинг қонуний манфаатлари устуворлиги, очиқлик ва шаффоффлик, холислик, коррупцияга нисбатан муросасизликдир. Биз – комбинат раҳбар ва ходимлари ҳам ушбу тамойилларга қатъий риоя қилиб ўз вазифаларимизни бажаришимиз шарт. Бу Қонун раҳбар ва ходимларнинг лавозим ёки хизмат мажбуриятларини самарали бажаришга шарт-шароит яратиб, шунингдек, ишда юзага келиши мумкин бўлган суиистеъмолликларни бартараф этиш, давлат ташкилотларига ва корхоналарига нисбатан аҳолининг ишончи ошишига хизмат қиласди. Ҳар биримиз манфаатлар түқнашуви ҳолатларининг олдини олиш ва тартибга солиш бўйича масъуль эканимизни унутмаслигимиз зарур.

Давлат фуқаролик хизматчиси лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини бажариш чоғида манфаатлар түқнашуви юзага келган тақдирда, ўз иш юритувидаги ҳужжатлар бўйича қарор қабул қилингунинг қадар ўзининг бевосита раҳбарига ёки маҳсус бўлинмага хабар бериши лозимлиги Қонунда белгиланган.

Шундай экан барча раҳбар ва ходимлар ўзига маълум бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисида хабар бериши керак. Бундай ҳолатларни билган ҳолда унга эътиборсизлик қилиш, мутасаддиларга хабар бермаслик жавобгарликка олиб келади.

Манфаатлар тўқнашувини самарали бошқариш мансабдор шахслар ва ходимлар ўртасида коррупцияга қарши муросасизлик маданиятини яратишни ҳам талаб қиласди. Ахлоқий тайёргарлик касбий тайёргарликнинг мажбурий қисми бўлиши керак, бунда манфаатлар тўқнашуви қабул қилиб бўлмайдиган деб қараладиган ва зудлик билан ҳал қилиниши керак бўлган муҳитни яратишга ёрдам беради.

### **Азиз металлурглар, қадрли ҳамкаслар!**

Барчангизни лавозим ва хизмат ваколатларини, мажбуриятларини ҳалол бажаришга, уларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар билан боғлиқ ҳар қандай коррупциявий ҳаракатлардан ўзингизни тўхтатишни сўрайман. Биз ҳамкорликда комбинатда манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликнинг олдини олишимиз керак.

Манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг олдини олиш мақсадида комбинатнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаган ҳолда ишлашса, нафақат комбинатимиз, балки юритимиз ва жамиятимиз ривожланишига ҳам ўз хиссамизни қўшган бўламиз.

**Дилшод АХМЕДОВ, “Ўзметкомбинат” АЖ  
Бошқаруви раиси – Бош директор**